



## ДОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тураева Гулизахро Қаххоровна

Гулистон Давлат Университети  
мустақил тадқиқотчиси

+998945851984 [zakhroturaeva@gvail.com](mailto:zakhroturaeva@gvail.com)

***Аннотация.** Мақолада Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалигида дон етиштиришни муттасил кўпайтириш ҳисобига дон мустақиллигига эришилиши ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, такомиллаштириш борасида самарали олиб борилган ишлар тизими ҳақида сўз юритилади.*

***Калим сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, донли экинлар, самарадорлик, ислохотлар, дон маҳсулотлари, кластерлар.*

**Кириш (Introduction)** Янги Ўзбекистонда дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигини таминлашда, бозорни тўлдиришда қайта ишлаш асосида озиқ-овқат саноатини замонавий усуллар орқали ривожлантириш, ишлаб чиқариш-истеъмол занжирида кластерлар ҳамда кооперцион алоқалар воситасида интеграцион жараёнларни оптималлаштириш, ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш каби йўналишларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиши қайд этилмоқда. Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалигида дон етиштиришни муттасил кўпайтириш ҳисобига дон мустақиллигига эришилди ва уни янада ривожлантириш, такомиллаштириш борасида самарали чора-тадбирлар тизими амалга оширилмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, дон мустақиллигига эришиш ҳамда барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу чора тадбирларни негизида республикамизнинг ўзгарувчан ва мураккаб тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий шароитларга мос, серҳосил, сифатли дон ҳосилдорлигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг илмий назарий асосларини тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидан фарқли ўлароқ, ушбу тармоқдаги ер ва сув ресурслари, иқлим билан боғлиқ омиллар билан белгиланади. Бинобарин, тармоқ самарадорлигининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари устувор даражада ер ва сув ресурсларининг мавжудлиги, сифати ва улардан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқ.

Дон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда самарадорликни оширишнинг иқтисодиётга таъсири кўрадиган бўлсак, иқтисодиётда дон маҳсулоти ишлаб



чиқаришидан: а) озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун хомашё сифатида; б) кейинги ишлаб чиқариш босқичи учун уруғлик ва эҳтиёт уруғлик захираси сифатида; в) чорвачилик учун омукта ем сифатида; г) табиий ва бошқа кутилмаган ҳолатлар учун эҳтиёт стратегик захира ва давлат захиралари сифатида; д) экспорт учун товар сифатида фойдаланилади; е) Қоғоз саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун хом-ашё сифатида фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаси мамлакат аҳолисини озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини зарур қишлоқ хўжалиги хом ашёси билан таъминлашдан иборат. Ушбу муаммони ҳал этиш соҳани янада фаоллаштириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари ва бошқарув турларини ривожлантириш билан боғлиқ. Дон етиштириш барқарорлигини таъминлашнинг асосий хусусиятлари шундаки, дон ва дон маҳсулотлари рационда энг кўп истеъмол қилиниши ва бу борада давлатнинг озиқ-овқат бозорини асосини ташкил қилиши, мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланишига ўзига хос хусусиятлари билан таъсир кўрсатади. Дон етиштириш билан боғлиқ озиқ-овқат таъминотидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларидан яна бири бу – захира, уруғлик фондларини шакллантириш билан бир қаторда, ички бозорда дон маҳсулотлари нархини мувофиқлаштириб туриш имкониятини беришдан иборат. Барқарор дон етиштиришни белгиловчи омилларнинг умумлаштирилган тизими бу 1) Иқтисодий омиллар: Ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиги; мос равишда давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш механизмларининг мавжудлиги. 2) Техник ва технологик омиллар: Янги технологиялар жорий этилганлиги; уруғчилик, кимёлаштиришнинг илмий асосда ташкил этилиши ҳамда замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги. 3) Табиий ва иқлимий омиллар: тупроқ унумдорлиги; ер ва сув ресурслари билан таъминланганлиги ва б.. 4) Ташкилий омиллар: Меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва сотиш занжирида ташкилий механизмларни самарали ташкил этилиши ва б.. Дон етиштиришнинг табиий-иқлим шарт-шароитларидаги хусусиятлари шундан иборатки, донли экинлар иссиқсевар эканлиги ва бу экинларни етиштириш учун Ўзбекистонда йилига ўртача 297 кунга яқин кўёшли кунлар донли экинларни етиштиришда зарур табиий-иқлим шароитларига эга бўлганлиги билан изоҳланади

### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion & Recommendations)**

Хулоса қилиб айтганда дон етиштиришнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири – бу озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта



ишлаш саноати ҳамда чорвачилик тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида ўз вақтида қондириш имконини берувчи сифат стандартларига жавоб берадиган озиқ-овқат ва ем-хашак маҳсулотларининг ягона ҳажмидир. Шунингдек, донни қайта ишлаш, сотиш, озиқ-овқат ва қайта ишлаш соҳасига хом-ашё сифатида сотилишидан солиқ тушуми сифатида мамлакат бюджетини тўлдириб туришда ҳам катта аҳамиятга эга. Доннинг хом-ашё сифатида сотилиши ривожланган дон бозорида биржа механизмини ривожлантириш билан босқичма босқич фючерс шартномаларидан эркин бозорга ўтиши, дон ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом-ашё ҳамда озиқ-овқат бозорларининг шаклланишида ўзига хос модел бўлиши мумкин.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. С.А.Суслов Обеспечение устойчивого производства зерна.. автреф 2022.
2. М.П. Тушканова, А.Ф. Максимова Организация сельскохозяйственного производства (учебник; издание второе, перераб. и доп.) - "ИНФРА-М", 2021 г.
3. Умаров С., Тураева Г., Чоршанбаев У. Қишлоқ хўжалигида донли экинлар ҳажмининг 2023-2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2024. – Т. 25. – №. 2. – С. 361-366.
4. Ғ.Ҳ.Қудратов. “Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш” Авт 2008
5. 5.Тураева Г.К. Актуальность обеспечения стабильности производства зерна в национальной экономике //Экономика и социум. – 2024. – №. 2-1 (117). – С. 1387-1394.
6. Ikromjonovna, J. S. (2024, March). Methods of Teaching Mathematics in Primary Classes. In International Global Conference (Vol. 1, No. 4, pp. 19-25).
7. Организация сельскохозяйственного о производства (учебник; издание второе, перераб. и доп.) (коллектив авторов; под ред. д-ра экон. наук М.П. Тушканова и д-ра экон. наук А.Ф. Максимова). - "ИНФРА-М", 2021 г.